

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2024-yil 19-mart, seshanba

№ 11 (9279)

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

ЎЗБЕКISTON ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ЕТАКЧИСИНИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДАГИ ИШОНЧЛИ ҒАЛАБАСИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 март куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинни ушбу мамлакат президентлигига сайловда қозонган ишончли ғалабаси билан дилдан қутлаб, келгуси фаолиятида муваффақиятлар тилади.

Давлатимиз раҳбари сайловчиларнинг фаол иштироки ва овоз бериш натижалари россияликлар амалдаги Президентга юксак ишонч билдираётгани, амалга оширилаётган сиёсат ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни кенг қўллаб-қувватлаётганини яна бир бор тасдиқлаганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида юксак даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Бугун ўзаро товар айирбошлаш ҳамжи барқарор суръатда ошиб бормоқда, иқтисодиётнинг

турли тармоқларида инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда, етакчи корхоналар, ишбилармон доиралар ва ҳудудлар ўртасида кооперация алоқалари кучаймоқда. Фаол маданий-гуманитар алмашинувлар давом этмоқда.

Жорий йилнинг апрель ойида Тошкентда кооперациянинг янги шакллари ва истиқболли лойиҳаларини илгари суриш учун самарали майдонга айланган навбатдаги "ИННОПРОМ" халқаро саноат кўргазмаси бўлиб ўтди.

Телефон орқали мулоқот чоғида бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА



ҲАШАР – ЎХШАШИ ЙЎҚ ҚАДРИЯТ

Ҳашар – халқимизнинг бетакрор қадрияти. У чор-атрофни янада обод, покиза бўлишида алоҳида аҳамият касб этиши билан бирга, одамларда яқдиллик, ўзгаларга кўмак қўлини узатиш, ҳамжиҳатлик, аҳиллик каби фазилатларнинг янада кучайишига, мустақамланишига хизмат қилади. Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган ҳашар бу йил ўзгача руҳда ташкил этилди.

Ўзбекистон маҳаллари уюшмаси ахборот хизмати раҳбари Жобир Асқаров бу ҳақда қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Дарҳақиқат, мамлакатимизда ажодлардан авлодга ўтиб келаётган миллий қадриятимиз – ҳашар тадбирлари халқимиз орасида бирдамлик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтиришга хизмат қилмоқда. Жорий йилда ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 6 мартдаги фармойиши билан умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш белгиланди.

Бу йилги умумхалқ хайрия ҳашари жуда кўтаринки руҳда ташкил этилди. Зеро, Наврўз байрами арафасида ҳамда озодалик ва поклик

ойи бўлган муборак Рамазон ойида бўлаётган мазкур ҳашар хайрли ишларга пойдевор бўлади.

Шу мақсада 16-18 март кунлари "Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки" шиори остида умумхалқ хайрия ҳашари ташкил этилди. Ҳар йили мамлакатимизда умумхалқ байрамлари арафасида хайрия ҳашари ўтказиш яхши анъанага айланган.

Мазкур анъаналаримиз орқали ёшлар онгига ҳамжиҳатлик, ободлик ва яратувчанлик ғояларини чуқур синдириш, ўз уйини, маҳалласини, иш жойини тоза, озода сақлаш, унинг обод бўлишига ўз ҳиссасини қўшиш каби туйғулари

шакллантириш мана шундай тадбирлар орқали амалга оширилади.

Бугунги кунда ҳар бир вилоят ва туман (шаҳар)да ҳокимларнинг қурилиш, коммунал, ижтимоий соҳа йўналишидаги ўринбосарлари, Ўзбекистон маҳаллари уюшмаси, "Нуроний" жамғармаси, Экология, Уй-жой коммунал хўжалиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик, Соғлиқни сақлаш, Мактабгача ва мактаб таълими, Ички ишлар вазирликлари, Ёшлар ишлари агентлиги ва Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги раҳбарларидан иборат Штаблар фаолияти йўлга қўйилди.

(Давоми 2-саҳифада)



ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ ЙЎНАЛИШИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 18 март куни ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигида бўлиб, соҳадаги режалар тақдироти билан танишди.

Қишлоқ хўжалиги вазирилик ҳузуридаги бу агентлик ўсимликлар карантини, ҳимояси ва агрохимик соҳаларида давлат бошқаруви органи ҳисобланади. Шунга мувофиқ, тупроқ, ўғитлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибини таҳлил қилади, зарарли организмлар кириб келиши ва тарқалишига қарши курашиб, фитосанитар тоза маҳсулотлар етиштирилишини таъминлайди.

Сўнгги йилларда соҳада 7 та янги ахборот тизими жорий қилиниб, 40 та йўналиш рақамлаштирилди. Халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг 20 миллион долларга яқин грант маблағлари жалб этилиб, лаборатория ва ускуналар янгиланди. Ҳудудлардаги стационар ва мобил лабораториялар орқали 1 миллион 40 минг гектар ернинг тупроқ таҳлили ўтказилиб, минерал ўғитларни қўллаш меъёрлари илмий асосда белгиланди

ва "uzagrolab.uz" дастурига киритилди. Ундаги маълумот ва тавсиялар орқали фермерлар дала ва боғларга аниқ ишлов бермоқда.

Бундай чора-тадбирлар мева-сабзавотларининг сифати ва хавфсизлигида муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда 80 та давлатга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун 620 та фитосанитар рухсатлар олинган. "GSP+" тизими доирасида 200 минг гектар майдон халқаро талабларга мослаштирилган. 2023 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги экспорт қарийб 2 миллиард долларни ташкил этган. Лекин аслида экспорт салоҳияти бундан анча кўп.

Шу йил 18 январь куни экспорт ва саноат масалалари бўйича бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида мева-сабзавотчилик соҳасидаги чора-тадбирлар ҳам белгиланган эди.

(Давоми 2-саҳифада)

Биологик назорат тушунчасини илк бор 1919 йилда АҚШлик олим Гарри Скотт Смит ўз тадқиқотларида қўллаган. Кейинчалик Пол Х. Де Бах цитрус экинлари зараркунандалари устида олиб борган энтомологиясида кенгроқ фойдаланган.

БИОЛОГИК НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИ ЗАМОНАВИЙ ДЕҲҚОНЧИЛИКДА

ҚАНДАЙ НАТИЖА БЕРАДИ?



Баҳриддин АҲАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирининг ёрдамчиси.

Биологик назоратта маҳсулот етиштириш, сифатини яхшилаш ва ҳосилдорликни ошириш билан бир вақтда эришилади. Зараркунандаларга қарши биологик курашда экологик тоза усулдан фойдаланиб, инсонлар соғлиғига хавф солмасдан шунингдек, табиатга зарар етказмасдан ҳимоя қилиш назарда тутилади.

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) томонидан ўтказилган тадқиқотларда кучли кимёвий моддаларга чидамли шунингдек, касаллик тарқатувчи 300 дан ортиқ зараркунандаларнинг турлари аниқланган бўлса, уларнинг юзга яқин турида турли касалликларга чидамли иммунитетга эга эканлиги аниқланган.

бирга, сабр-тоқат, илм ва тажрибани талаб қилади. Барча организмларнинг популяция зичлигини камайтириш учун бошқа организмдан фойдаланиш мумкин. Масалан, хайвонлар, бегона ўтлар ҳамда касалликларга қарши курашда биологик назорат қўл келади.

Биологик хавфлар биологик патогенларни (прин, вирус ҳамда микроорганизмлардан тортиб, кўп ҳужайрали паразитларгача) тиббий ижтимоий, технологик, қишлоқ хўжалиги ва коммунал соҳалар объектларига



салбий таъсир кўрсатадиган хавф-хатар ҳисобланади. Мамлакатнинг биологик хавфсизлиги фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини таъминлаш, иқтисодиёт жумладан, ижтимоий соҳани илғор биотехнологиялар асосида ривожлантириш орқали таъминланади. Маълумки, пестицидларни тартибсиз ҳамда кўп қўллаш оқибатида ортиқча сарф-харажатлар ортади шунингдек, ижтимоий-экологик муаммолар пайдо бўлади. Масалан, зараркунандаларнинг фойдаланиш тавсия этилмайди. Минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар биологик фаол бирикмалар ҳисобланади. Улардан нотўғри фойдаланиш оқибатида инсон саломатлиғига, ўсимликлар ҳамда хайвонот оламига шу жумладан, атроф-муҳитга хавф ортади. Шунинг учун хавфли ҳисобланган кимёвий моддаларни қишлоқ хўжалиги соҳасига қўллашни камайтириш керак.

(Давоми 2-саҳифада)

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЭКСПОРТНИ КЎПАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 18 март куни қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳаларида инвестициялар жалб қилиш ҳамда экспортни кўпайтириш масалалари муҳокама бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ўтган йили юртимизда 23 миллион тонна мева-сабзавот етиштирилиб, озиқ-овқат саноатида 86 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Ҳисоб-китобларга кўра, бунча маҳсулотда 5 миллиард долларлик экспорт қилиш мумкин эди. Лекин вазирлар ва ҳокимлар ишни тўғри ташкил қила олмагани, экспортчилар муаммосини ҳал қилмагани сабабли бу кўрсаткич 2 миллиард доллардан ошмаган.

Йиғилишда экспорт таркиби ва географияси таҳлил қилинди. Хусусан, ўтган бир йилда Австралия, Янги Зеландия, Сингапур, Колумбия, Индонезия каби 10 дан ортиқ янги бозорлар очилиб, уларнинг сони 85 тага етди. Лекин экспортнинг 80 фоизи 5 та давлат бозорига тўғри келаяпти. Шунингдек, 10 турдаги маҳсулотнинг улуши жами мева-сабзавот экспортида 60 фоизни ташкил қилади.

Ҳар йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлашга 700 миллиард сўм, ишлаб чиқаришни кўпайтиришга 1 триллион сўм йўналтирилмоқда. Лекин натижа шунга яраша эмас. Бу борада 1 миллион гектар ғалладан бўшайдиган майдон, 508 минг гектар аҳоли томорқаси, 260 минг гектар одамларга бўлиб берилган ерлар имкониятидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Айрим туманлар умуман мева-са-

бзавот экспорт қилмаган. Давлатимиз раҳбари бу йил қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат экспортини жадал ошириш учун яна қандай шароит керак бўлса, кўриб чиқишга тайёрлигини билдирди.

– Инфляцияни жиловлаш ва валюта барқарорлигини таъминлаш экспорт билан чамбарчас боғлиқ. Кўп маҳсулот етиштириш билан бирга экспортга қулайликларни кенгайтирмасак, натижа қутилгандек бўлмайди, – деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда экспортчи тадбиркорлар ва логистика корхоналари вакиллари иштирок этди. Президент улар билан мулоқот қилиб, муаммо ва ташаббусларини эшитди.

Жумладан, Германия, Венгрия, Польша, Испания, АҚШ ва Қозғистондаги савдо уйлари тадбиркорлар бошқарувига бериш, Нағоя, Мерсин, Роттердам, Циндао, Клайпеда, Доҳа каби йирик порт шаҳарларда савдо уйи очиш тақлифи қўллаб-қувватланди.

Яқинда Юқори Чирчиқдаги Агрохизматлар марказида халқаро аккредитациядан ўтган илк хусусий лаборатория очилди. Бу йил 8 миллион доллар инвестиция ҳисобига Зангиота тумани, Фарғона ва Самарқанд шаҳарларида ҳам худди шундай замонавий лабораториялар ишга тушади.

(Давоми 2-саҳифада)

Президентимиз куни кеча Сирдарё вилояти Сайхунobod туманида бўлиб, маҳаллалардаги имкониятларни ишга солиш, оилаларга даромад манбаи яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича масъулларга бажарилиши зарур бўлган топшириқларни белгилаб берди.

ҚИРСАДАҚ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛАГА АЙЛанади

Айни кунларда ушбу вазибалар ижросини таъминлаш мақсадида худудларда кенг қамровли жараёнлар бошлаб юборилди.

Тошкент вилояти Янгийул туманидаги Қирсадақ маҳалласини туманда намунали маҳаллага айлантириш, бу ерда ишсизликни бартараф этиш, маҳалла драйверини яратиш, аҳоли даромад манбаларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Т.Норбоева ва Президент маслаҳатчиси М.Комиллов ушбу маҳаллага ташир буюрди.

Дастлаб умумхалқ ҳашари муносабати билан худуддаги таълим муассасасида "Яшил макон" лойиҳаси доирасида дарахт ниҳолларини экиш ишлари олиб борилди. Унда Республика вазирилик ва идораларнинг масъул раҳбарлари, Янгийул тумани сектор раҳбарлари ва фахрий нуронийлар, оқила аёллар, отиноийлар ҳам иштирок этди.

Ташкил этилган суҳбатда

банд бўлмаган аҳолини касбга ўқитиш, ишга жойлаштириш, тадбиркорликка жалб этиш масалалари устувор йўналиш этиб белгиланди.

Аҳолиси 3 минг нафардан зиёдни ташкил этадиган Қирсадақ маҳалласи намунавий иш ташкил этиш учун танлаб олинган. Эндиликда махсус тузилган Республика ишчи гуруҳи аъзолари уйма-уй юриб, хатлов ўтказган ҳолда маҳалла аҳолисининг ҳар бири билан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турларини аниқлайди ҳамда унинг натижаларидан келиб чиқиб, маҳаллани ривожлантириш режасини ишлаб чиқади. Шу билан бирга, ушбу жараёнда ижтимоий ҳимояга, тиббий, психологик ёрдамга муҳтож фуқароларга кўмак бериш чоралари кўрилади.

Берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида шу куннинг ўзига маҳаллада хатлов ишлари бошланди.

**А.МУСАЕВ,
ЎЗА мухбири.**

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЭКСПОРТНИ КЎПАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Боши 1-саҳифада)

Тошкент шаҳрида Референс-лаборатория ташкил этилиб, хусусий лабораториялар ишининг халқаро стандартларга мослиги таъминланди. Бунга Жаҳон банкидан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан 12 миллион доллар берилди. Бундан буён, халқаро тан олинган реагент-лаборатория импорти божидан озод қилинади, уларга мажбурий экологик сертификат олиш талаб этилмайди.

Мутахассисларга бошқа лабораторияларни ҳам халқаро аккредитациядан ўтказиш, мева-сабзавот сифатига хорижий давлатларнинг миллий талабларини ўрганиб, юртимиз экспортчиларига етказиш бўйича топшириқ берилди.

Халқаро кўрғазмаларда қатнашиш тизимини қайта қўриб чиқиш кераклиги айтилди. Бунда тадбиркорларнинг рейтингини асос қилиб олинади. Юқори ва ўрта рейтингли эга бўлган тадбиркорлар учун кўрғазмаларда қатнашиш харажати 100 фоиз олдидан тўланади. Паст рейтинглилар кўрғазмада иштирок этганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этгандан кейин, харажати 50 фоиз қисми қоплаб берилди.

Кўлаб экспортчи корхоналарни қийнаётган масала бу – айланма маблағ. Шу боис жорий йилда Бизнесни ривожлантириш банкидан ушбу мақсадлар учун 1,5 триллион

сўм ресурс йўналтирилади. Бу маблағлар эвазига, экспортчи корхонага фермер ва тайёрлов омбори билан тузган шартнома суммасининг 50 фоизига имтиёзли кредит берилди. Кредитлар 18 фоиз ставкада 6 ой имтиёзли давр билан 1,5 йил муддатга ажратилади.

Матълумки, мева-сабзавот саноат маҳсулотларига қараганда тез бузилади, сифатини йўқотади. Шу боис маҳсулот туридан келиб чиқиб, йўқотиш миқдори 10 фоизгача белгиланади. Хўл мева, шарбат, қандолат, мураббо, жем каби бир хил ҳароратда етказиш каби этиладиган маҳсулотлар учун совуттичлик юк контейнерлари олиб келинади.

Табиий йўқотиш ва сифат бузилишини камайтириш учун қадоқлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу йўналишда замонавий корхона ташкил қилиб, тажрибали дизайнерларни жалб этиш муҳимлиги таъкидланди.

Аҳоли томорқалари ва экин ерларида сархил мева-сабзавотлар етиштирилади. Уларни нақд пулга сотиб олиб, экспортга тайёрлаб берадиган таъминотчилар кўп. Энди улар ўзини ўзи банд қилган шахслар каби фаолият юртади ва айланмасидан қатъий назар барча солиқлардан озод бўлади.

Йиғилишда озиқ-овқат саноат

тидаги имкониятлар ҳам таҳлил қилинди.

Жорий йил бу йўналишда камидан 100 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва 1 миллиард доллар экспорт қилиш, худудий дастурлар доирасида 833 миллион долларлик 528 та лойиҳани ишга тушириш режа қилинган. Бу соҳадаги лойиҳаларга йўналтириш учун банкларга 310 миллион доллар маблағ тақсимланган. Ушбу чоралар орқали тайёр озиқ-овқат экспортини 200 миллион долларга олиб чиқиш имконияти борлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалардан келиб чиқиб, мева-сабзавот ва озиқ-овқат экспорти бўйича Бош вазир раҳбарлигида комиссия тузилиши белгиланди.

Шунингдек, экишдан бошлаб, маҳсулотни сақлаш, қадоқлаш, қайта ишлаш ва сотиш занжири тўлиқ қамраб оладиган уч йиллик дастур тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги экспорти билан шуғулланувчи 2 минг 362 та корхонага кўмаклашиш, уларнинг сафини кенгайтириш чоралари кўрилади. Экспортчилар билан доимий "мулоқот майдони" яратилиб, худудларда мавжуд маҳсулотлар, ташқи бозордаги талаб ва нархлар тўғрисида маълумот алмашиб борилади.

ЎЗА

БИОЛОГИК НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИ ЗАМОНАВИЙ ДЕҲҚОНЧИЛИКДА ҚАНДАЙ НАТИЖА БЕРАДИ?

(Боши 1-саҳифада)

Ҳозирги кунда фойдаланиб келинган биологик воситаларни қуйидаги хусусиятлари учун тижоратлаштириш оммалашган: Биоўғитлар озуқа моддаларининг сўрилишини яхшилаш учун махсус вазифани бажаради. Биопротектив воситалар баъзи ўсимлик касалликларини бартараф этади. Биостимуляторлар фитогормонлар ишлаб чиқаришни яхшилайди.

Ўсимликлар зараркунандаларига қарши фойдали ҳашаротлардан фойдаланишни хоҳласак, экинлар атрофига ҳашаротлар учун бошпана ва озиқ-овқат билан таъминлай оладиган гулли ўсимликларни экиш ёки муносиб шароит яратиб беришимиз керак. Барглар қобили, ташланган дон, сомон, ташланган сабзавотлар, зарарланган мевалар ва ҳайвонларнинг гўнгида биоўғит ва биопестицидлар ишлаб чиқариш (тайёрлаш) яхши натижа беради. Масалан, кунгабоқарни асосий экинлар чегарасига экиш керак, кунгабоқар зарарли ҳашаротларга қарши табиий тўсиқ ҳосил қилади, зарарли ҳашаротларнинг бағр ва гуллари билан озиқлангани афзал кўради ва шунинг учун ҳам ҳосилга кўчиб ўтмайди. Вақти-вақти билан кунгабоқарни асосий экин сифатида ҳам экиш мумкин.

Табиий биологик назорат ўз-ўзидан содир бўлиши ҳам мумкин, бироқ ўсимлик зараркунандаларининг йўқ қилувчи йиртқич ҳашаротларнинг популяциясини ривожлантириш ҳамда кўпайтириш аксарият ҳолларда лаборатория шароитида амалга оширилади. Бу амалиётлар жуда қimmat шунингдек, ўзига хос шароит талаб қилгани учун тижорат қилмоқчи бўлганлар, фермерлар ёки уй шароитида ишлаб чиқармоқчи бўлганлар учун анча мураккаб жараён ҳисобланади.

Биологик назорат экинларни зараркунандалардан ҳимоя қилишда юқори натижа берадиган ҳамда индукцияланган агроэкологик усул ҳисобланади. Эътиборлиси, иқтисодий жиҳатдан фойдали, илмий, экологик ва ижтимоий жиҳатдан тўғри эканлиги исботланган. Табиий биологик назоратни янада ривожлантиришда самарадорлиги юқори ва фойдали биологик воситаларни кўпайтириш ва индукция қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биоламузика, ҳашаротлар инсон омилсиз ҳам табиий равишда пайдо бўлади шунингдек, атроф-муҳит омиллари таъсирида йўқ бўлиши ҳам мумкин. Биологик курашувчиларнинг вакилларига ҳашаротлар, паразитоид ҳамда патогенлар кирди булар ўз ўрнида антагонистлар деб аталади. Айтайлик,

Шепталинка Анна Тимофеевна номига 1992 йил 21 декабрда берилган хонадонга эгаллик ҳуқуқини берувчи 08-02/3460 сонли Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

ХаджибаевТурапулат номига 1993 йил 25 февралда берилган хонадонга эгаллик ҳуқуқини берувчи 01-01/15348 сонли Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Эълон

ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ ЙЎНАЛИШИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Хусусан, ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигини таъкидлаштириш ҳамда янги салоҳиятли бозорлар топиш бўйича вазифа қўйилган.

Тақдиримизда шу борада қилинаётган ишлар ва режалар ҳақида ахборот берилди. Лойиҳалардан бири "Агроқўмакчи" мобил иловаси бўлиб, унда ўсимликлар ҳимояси, бу соҳадаги хизматлар, фойдали маълумотлар, экспорт бўйича маслаҳатлар билан танишиш мумкин.

Asiaexport.se платформаси эса юртимиздаги экспортчилар билан чет элдаги хариддорларни ўзаро боғлайди. Унда нафақат мева-сабзавотлар ва қуритилган мевалар, балки шарбатлар, уй-рўзгор буюмлари, қандолатчилик, тўқимачилик, чармдўзлик ва фармацевтика маҳсулотлари каби кенг турдаги товарлар ҳақида маълумотлар жойлаштирилади.

Агентликнинг халқаро ePhyto solution инновацион тизими доирасидаги ҳамкорлик ҳақида ҳам ахборот берилди. Бу тизим орқали 119 та мамлакат билан фитосанитар сертификатлар электрон шаклда алмашилмоқда. Жорий йилда яна 8 та давлатга 25 турдаги маҳсулот бўйича фитосанитар рухсатнома олинади.

Шу каби чора-тадбирлар натижасида бу йил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини 3,5 миллиард долларга етказиш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари бунинг учун, аввало, экспортбоп маҳсулотларни

кўпайтириш, фермер ва деҳқонларнинг хабардорлигини ошириш зарурлигини таъкидлади.

– Бу соҳада ҳуқуқий замин бор, кўп давлатлар билан келишувларга эришганмиз. Лекин экспортчилар маҳсулотини қийинчилик билан сотаяпти. Шунинг учун экспортчилар билан доимий "мулоқот майдони"ни ташкил этиш керак. Ҳокимлар худудда етиштирилаётган маҳсулотлар, элчилар ташқи бозордаги талаб ва нархлар билан экспортчиларни таништириб бориши зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз мева-сабзавотларни қадоқлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

– Қадоқлар халқаро стандартларга мос, замонавий дизайн, саноатлашган тарзда бўлиши керак. Ўшанда сифат бўлади, миллий бренд яратилади, қўшилган қиймат ҳам балан бўлади. Шунинг учун экспортчиларга тўғри, тартибли ва чиройли қадоқлашни ўргатиш керак, – деди давлатимиз раҳбари.

Маҳсулотлар яроқсиз бўлиб қолмаслиги, экспортга сифатсиз маҳсулот қўшилиб кетмаслиги учун тизимли ишлаш муҳимлиги айтилди.

– Бу борада ҳам кластер тизими бўлиши керак. Таълимдан бошлаб, маҳсулотларни экиш, ўғитлаш, териб олиб, саралашгача бўлган ҳамма босқичларни ўзаро мувофиқ ва юқори сифатда йўлга қўйиш зарур, – деди Президент.

Вазирлар Маҳкамасига ушбу тизимни такомиллаштириш ва экспортни режали



ташкил этиш учун 3 йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Халқаро ҳамкорликни кенгайтириш орқали экспорт ҳажмлари нисбатан қimmat бозорларга йўналтириш муҳимлиги айтилди.

Давлатимиз раҳбари агентликнинг замонавий лабораториясини билан танишди. Лабораториянинг илмий салоҳиятини ошириш, жаҳондаги илмий ютуқларни ўзлаштириб, соҳага тегишли идораларда тезкор таътиқ этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу ерда агрокиме тизимида қўлланаётган техника ва ускуналар ҳам намойиш қилинди.

Қайд этилганидек, чет элдан юқори самарали энтомофаглар олиб келиниб, зараркунанда ҳашаротларга қарши янги турда кураш йўлга қўйилган. Тажрибали экспертларни жалб этган ҳолда ҳар

бир маҳсулотни етиштириш, сақлаш, қадоқлаш ва етказиб бериш бўйича қўлланмалар ишлаб чиқилган. 10 та кўчма лаборатория ташкил этилган.

Бу йил худудларда 10 та кўчма лаборатория ташкил қилинади. 6 мингта боғ, 3 мингдан зиёд тоқзор ва дала майдонлари, 344 та қадоқлаш корхонаси хорижий фитосанитария талабларига мувофиқлаштирилади. Пестицидлар муомаласидаги барча жараёнлар рақамлаштирилиб, сифатсиз пестицидларнинг юртимизга олиб келиниши ва ноқонуний савдосига барҳам берилди.

Президент тизимдаги мутахассислар малакасини ошириш, агентлик хизматларининг ҳар бир фермер ва томорқа эгаларига етиб боришини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА

ҲАШАР – ЎХШАШИ ЙЎҚ ҚАДРИЯТ



бу юм бозорлари худудлари ҳамда уларнинг атрофлари тозаланади, бинолари оқланди ва ранг берилди, дарахт ва буталарга шакл берилди, қуриган дарахт шохлари кесилди.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгари-

ши вазирилик билан биргаликда "Маҳалламга 10 туп дарахт – менинг туҳфам" шиори остида барча турар жой мавзелари ва маҳал-

ларда иқлим шароитига мос ҳамда сўғориш тизимини ҳисоб олган ҳолда дарахт қўчатлари экиш ишлари ташкил этилди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоиз, Президентимиз томонидан илгари сурилган "Яшил йиллик" умуммиллий лойиҳаси доирасида бутун Ўзбекистон бўйлаб мевали ва манзарали дарахт қўчатлари аҳолига бепул тарқатилиши белгиланган.

Шунингдек, умумхалқ ҳашари давомида ҳар бир маҳаллада ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар қатламига ёрдамлар кўрсатишга қаратилган ишлар "қўчабай", "хонадонбай" асосида шакллантирилди ва унга "маҳалла еттиллиги" аъзолари ва кўча, уй бошилар бириктирилди.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари, айниқса эҳтиёжманд, меҳр-муруватга муҳтож, боқувчисиз қолган кекса ва ногиронлиги бўлган фуқароларнинг рўйхатини шакллантириб, "Саховат ва кўмак" жамғармаси маблағлари ҳисобидан уй-жой шароитларини яхшилаш ва моддий ёрдам кўрсатиш ишларини амалга оширди.

**Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.**

ЖИЗЗАХЛИК СУВЧИЛАР УМУМХАЛҚ ҲАШАРИДА ФАОЛ БЎЛИШДИ

Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги меҳнат жамоаларида ҳам "Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки" шиори остида умумхалқ ҳайрия ҳашари юқори кайфиятда ўтказилди.

Жиззах вилояти сувчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 мартдаги "2024 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ҳамда республика Сув ҳўжалиги вазириликнинг 2024 йил 7 мартдаги бўйруғи ижросини таъминлаш мақсадида кенг қўламда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини бажардилар.

Жумладан, тизим ташкилотларидаги йирик гидротехник иншоотлар, насос станциялари, каналлар ва бошқа бино ва иншоотлар атрофини ободонлаштириш, тозалаш, дарактларни оқлаш, кўчат экиш, экилган дарактларга шакл бериш ишлари амалга оширилди.

Ҳашарда тизимнинг 1700 нафардан ортиқ ишчи-ҳодимлари иштирок этди. 15 минг туп даракт ва гул кўчатлари экилди, 20 мингдан ортиқ дарактларга шакл берилиб, оқланди. Катта миқдордаги чиқиндилар тўплаб, зарарсиз-




лантирилди. Ташкилотлар атрофлари тозаланиб, даракт ва буталар оқланди.

Сирдарё-Зарафшон ИТХБ матбуот хизмати.

SABZAVOT YETISHTIRISHDA ALMASHLAB EKISHNING AHAMIYATI

Sabzavotlarni uzluksiz bir yerdan almashmasdan ekish ularni o'stirishda, hosil olishda salbiylikka olib keladi. Natijada shu turdagi o'simlik uchun xos bo'lgan bir necha xil kasalliklar, shu o'simlik zararkunandalarini ko'payishga olib keladi.



yerga, ikkinchi marta tuproq oziqasiga va namlikka talabi kamroq sabzavot ekish;

- ildizi yerning yuza qismiga joylashgan sabzavot ekish;
- karam, bodring, tomatdoshlar turkumiga mansub va kartoshka ekilib, ularni faqat go'ng, kompost bilan oziqlantiriladigan yerlarga, ikkinchi va uchinchi yillarda ildiz mevali sabzavotlar (sabzi, lavlagi, turp, sholg'om va boshqalar) va piyoz ekilsa, hosildorligi yuqori bo'ladi hamda o'z navbatida ekinni iqtisodiy samaradorligi yuqori bo'ladi;
- ishlov berishni ko'p talab qiladigan sabzavot ekinlaridan so'ng natijada yerlar begona o'tlardan xalos bo'lgandan keyin u yerlarga sabzi va piyoz ekilishini taqozo qiladi;
- takroriy sabzavot ekiladigan yerlarga ertagi sabzavotning eng tezpishar navlarini ekilishi lozim;
- tomatdoshlar turkumidagi sabzavotlardan kartoshka, pomidor, achchiq-chuchuk qalampir va baqlajon o'simliklari bedadan bo'shagan maydonlarga va dukkakli o'simliklar, karam, piyoz va ildizmevali sabzavotlardan bo'shagan yerlarga ekilganda yuqori hosil berishi tajribada tasdiqlangan.

Sabzavotlardan karam, kartoshka, poliz o'simliklari va bodring, ildiz mevalilar, piyoz hamda sarimsoq uchun eng yaxshi o'tmishdosh ekinlar hisoblanib, ular yerni zararkunandalardan va begona o'tlardan muhofaza qilib hosildorlikka ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Qishloq xo'jaligi vazirligi axborot xizmati.

Табрик ва реклама



Янги Ўзбекистонда аҳилу ҳамжихатликда яшаб, эл-юрт равнақи, фаровонлиги йўлида бир тану бир жон бўлиб фаолият олиб бораётган ватандошлар, соҳамиз заҳматкашлари!

Барчангизга яқинлашаётган Наврўз байрами қутлуғ бўлсин!

Норин-Сирдарё ИТХБ ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси жамоаси

Қишлоқ ҳўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ҳузуридаги

САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз аграр соҳасини юксалтириш йўлида изланаётган барча соҳа олимларини, юртдошларимизни, бободоҳқонларни

Наврўзи олам

билан самимий муборакбод этади.

Юртимиз тинч, деҳқончилигимиз баракали ва хирмонларимиз залворли бўлсин, азиз юртдошлар!

MAXAM-CHIRCHIQ

SHOSHILING !!!

Kaltsiy va magniy mikroelementli

AMMIAKLI SELITRA

Birja savdolarida.

N-34,4%

MgO Magniy

Ca Kaltsiy

Mahsulot sertifikatlangan № UZ. SMT.01.080.64398163 GOST 2-2013

Manzil: Toshkent viloyati Chirchiq shahri Toshkent ko'chasi 2-uy.

Tel: +998 (7071) 5-25-20, 5-34-40, 9-35-08. Faks: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57.

info@maxam-chirchiq.uz www.maxam-chirchiq.uz

Фан ва амалиёт янгиликлари

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йил 12 февралда қишлоқ хўжалигида 2024 йилда бажариладиган ишлар юзасидан видеоселектор йиғилишида бир ой ичида хорихдан 3 минг тонна уруғлик чигитни олиб келиш топшириғи берилган эди.

TITANUM MX



ҚАНДАЙ МИНЕРАЛ ЎГИТ ЁХУД УНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСИ НИМАДА?

Жорий йилда 100 минг гектарда юқори ҳосилдор хорихий пахта навларини экиш муҳимлиги таъкидланди. Шу билан бирга, ўғит таннархнини 15 фоизга камайтириб, қишлоқ хўжалигини 900 минг тонна минерал ўғит билан таъминлаш вазифаси қўйилган эди. Шунингдек, йиғилишда президент 70 та туманда минерал ўғит сақлаш омборларини ташкил қилиш бўйича топшириқ бергани маълум қилинди. Эндиликда омборлардаги ўғитлар қолдиганининг кунлик мониторинги юритиладиган бўлди. Февраль, апрель ойларида биржага чиқадиغان минерал ўғитнинг кунлик ҳажмини 6 минг тоннадан 9 минг тоннага оширилиши алоҳида кўрсатиб ўтилди. Йиғилишда бу йил 127 минг гектарда тупроқ унумдорлигини ошириш ва 677 минг гектар яйловларни деграадациядан чиқариш бўйича янги дастур амалга оширилиши айтилди. Шундай экан, мамлакатимизда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини барқарор ривожлантириш, фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаётини яхшилаш, мамлакат мустақиллигини барқарор сақлашнинг асосий йўналишларидан бирига айланиб бормоқда. Мазкур йўналишда республикамизда аҳолини сифатли экологик тоза озик-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича стратегик жиҳатдан мақсадли ҳамда изчил чора-тадбирлар амалга оширилиб, уларнинг фаолиятига катта эътибор берилмоқда. Зеро, юртимизда озик-овқат хавфсизлигига эришиш қишлоқ хўжалиги, озик-овқат саноати ва савдо тармоғида стратегия ва дастурларнинг ижросига боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда соҳа ва тармоқларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш кафолатланмоқда ва ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Агарда статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, бугун республикада етиштирилаётган табиий маҳсулотлар 5 фоизни ташкил этади. Республикада аҳоли учун хавфсиз, сифати юқори бўлган 14 минг гектар майдонда органик маҳсулотлар, жумладан, 8,5 минг гектар пахта, 2 минг гектар галла, 2,2 минг гектар мева-сабзавот ва 1,1 минг гектар доривор (ковул) экинлари етиштирилмоқда ҳоло. Аҳоли сонининг ўсиб бориши, ер, сув ва энергия ресурсларига бўлган талабнинг ортиши, иқлимнинг кескин ўзгариши экологик соф озик-овқат хавфсизлигини таъминлашга салбий



таъсир этувчи асосий омиллардир. Эътиборли томони шундаки, тирик организмга жиддий таъсир кўрсатадиган, унинг репродуктив саломатлигига, даволаниши қийин ва аксарият ҳолларда самарасиз келадиган, эрта ўлим ҳолатларига олиб келадиган биоген, тоскоген, мутаген элементлар саноатнинг жадал ривожланиши оқибатида атроф-табиий муҳитга ҳаво, сув ва ер орқали флора-фаунага, сўнг озуқа занжири орқали инсон организмга ўзининг зарарли таъсирини ўтказиши ортиб бормоқда.



Кадмийни ўз ичига олган ўғитлардан тартибсиз фойдаланиш натижасида ўсимликлар томонидан тупроқдан осонгина ўзлаштирилади, ўсимликларнинг пояси, барги ва ҳосилларида тўпланади. Шунинг учун ўсимлик маҳсулотларида кадмийнинг биоаккумуляцияси одатда бошқа токсик элементларга нисбатан юқори эканлиги билан фарқланади. Юқоридаги таҳлиллар шунни кўрсатмоқдаки, демак қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган барча экологик тоза озик-овқат маҳсулотларининг сифати, инсон учун фойдалилиги, ер ва сувнинг биологик сифати, озик-

овқат хавфсизлигини таъминлаш жараёни амалиётда фойдаланилаётган минерал ўғитларнинг сифатига бевоқифа боғлиқдир. Шу аснода, мутахассис олим ва изланувчилар томонидан яратилиб, тавсия этилаётган titanum mx минерал ўғити бу соҳадаги катта бир янгилик сифатида кириб келганлигини алоҳида эътироф этиш лозим. TITANUM MX экологик соф минерал ўғити таркибида оғир металлларга ва радионуклеитларга нисбатан селектив сорбент хусусиятига эга бўлган табиий ярим валентли катион элементлари ҳам бўлиб, суяқ ҳолда қўлланилганда тупроқ таркибидagi зарарли оғир метал ва радионуклеитларни эримайдиган туз ҳолига келтиради ва бу тузлар узоқ муддатга (30-45 йил) тупроқ таркибида қолиб, ўсимликларда ўзлаштирилмайди.

Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган микроэлементларнинг ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиши учун мўътадил муҳитни titanum mx минерал ўғити таркибидага карбонатлар, магний ва бошқа элементларни таъминлайди. Эътиборли томони шундаки, titanum mx минерал ўғити ўсимлик илдизини зарарли таъсирлардан асраш, ўсимлик илдизининг ривожланиши ва микрофлоранинг фаоллашишида ўта самарали таъсирга эгша.

TITANUM MX минерал ўғитининг яна бир фойдали томони шундаки, ўсимликларни биостресс ва эко-стрессларга чидамлилигини, касалликларга қаршилигини оширади, ҳосилдорлигига самарали таъсир кўрсатади. TITANUM MX минерал ўғитини қўллашда қулай, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда нафақат ўсимликларнинг бир қанча физиологик жараёнларини яхшилаш, балки тупроқ унумдорлиги ва экологик муҳитини меъёрлаштиради, фойдали микрофлоранинг ривожланишига шароит яратади, биоген элементларнинг ўзлаштирилишига замин яратиб, тупроқ унумдорлиги ошишини таъминлайди. Умуман олганда, titanum mx минерал ўғитдан кенг фойдаланиш экологик хавфсиз озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Соғлом турмуш тарзини шакллантиради. Аҳолини кимёвий маҳсулотлар билан эмас, балки, фойдали, экологик соф озуқа маҳсулотлари билан таъминлаб, соғломлаштириш имконини беради.

Хуллас, экологик соф titanum mx минерал ўғитининг яратилиши ва унинг амалиётда қўлланилиши муҳим янгилик бўлиб, келажакда экинлар ҳосилдорлигини бир неча баробар ошириш, экологик тоза маҳсулотлар етиштириш қўл келади, деган умиддамиз. **Жуманазар ХОЛМЎМИНОВ** Тошкент давлат юридик университети "Экология ҳуқуқи" кафедраси профессори, юридик фанлар доктори.

Biznesni Rivojlantirish Banki

NAVRO'Z

muborak bo'lsin!

AVTOKREDIT

www.brb.uz

- Avtomobil qiymatining 85%gacha ajratiladi
- Kredit muddati 5 yilgacha
- Kredit foizi yillik 23%dan boshlanadi

1254

Юрдошларимизни, жумладан, сув хўжалиги тизимида фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган барча ҳамкасбларимизни янгилашни ва яшариш фаслининг қутлуғ айёми – **НАВРЎЗИ ОЛАМ** билан муборакбод этамиз.

Наманган вилоятидаги НОРИН-СИДАРЁ ИРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

TITANUM MX
Og'itini qo'llanish uslubi

- 5-KG TITANUM MX O'G'ITI
- 500 L SUVGA ARLASHTIRILADI
- 1 GHEKTAR YERGA OBX ORQALI SEPIYADI